



**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO‘JALIGINI MEXANIZATSİYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI”  
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI**

<b>Kafedra:</b>	<b>Irrigatsiya va melioratsiya</b>
-----------------	------------------------------------

<b>Fan:</b>	<b>Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish</b>
-------------	---

**Dots. Botirov Sh.Ch.**

**Toshkent**



## **Foydalaniladigan adabiyotlar ro‘yxati**

### **Asosiy adabiyotlar**

- 1.Костяков А.Н. “Основы мелиорации”. М. Сельхозгиздат. 1960. - 624 л.
- 2.Raximbayev F.M., Xamidov M.X. “Qishloq xo‘jalik melioratsiyasi”. Toshkent. «Mexnat». 1996.-364 bet.
- 3.Muxamedov A.Q. “Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish” fanidan o‘quv qo‘llanma. Toshkent. TIMI bosmaxonasi. 2008 yil. 162 bet.
- 4.Muxammadjonov A. “O‘zbekistonning qadimgi gidrotexnika inshootlari”. Toshkent . O‘zbekiston. 1997 yil. 88 bet.
- 5.Иrrигация Узбекистана. I-IV том. Ташкент. «Фан» 1981 г.
- 6.Xamidov M.X., Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B. “Qishloq xo‘jaligi gidrotexnika melioratsiyasi”. Toshkent., Sharq. 2008.-408 bet.

### **Qo‘srimcha adabiyotlar**

- 1.Raximbayev F.M. va boshqalar. “Qishloq xo‘jaligida sug‘orish melioratsiyasi”. Tashkent. “Mexnat”. 1994.-327 bet.
- 2.Raximbayev F.M., Shukurullayev X.I. “Zax qochirish melioratsiyasi”. Toshkent. “Mehnat”. 1996.-201 bet.
- 3.Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1988.-363 бет.
- 4.Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1991.-391 бет.
- 5.O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi 1-12 tom.

# **Мавзу: Иккинчи жаҳон уруши даврида ирригация ишлари. Ўзбекистонда урушдан кейинги даврда ирригациянинг ривожланиши.**

**MA'RUZANING REJASI**

- 1.Иккинчи жаҳон уруши даврида ирригация ишлари.
- 2.Ўзбекистонда урушдан кейинги даврда ирригациянинг ривожланиши.
- 3.Пахтачилик ривожланиш тарихи.

**Иккинчи жаҳон уруши даврида ирригация ишлари.  
Ўзбекистонда урушдан кейинги даврда ирригациянинг  
ривожланиши.**

Faoliyat bosqichlari	Faoliyat mazmuni	talabalar
	o‘qituvchi	
I. Kirish bosqichi (10 daqiqa).	<p>1.1. Mavzuning nomi, maqsadi, rejalashtirilgan o‘quv mashg‘uloti natijalari va uni o‘tkazish rejasi bilan tanishtiradi.</p> <p>1.2. Mashg‘ulot ma’ruza, tushuntirish va namoyish shaklida o‘tkazilishini va baholash mezonlarini ma’lum qiladi</p> <p>1.3 Fanni o‘rganish uchun adabiyotlar ruyxati bilan tanishtiradi.</p>	Tinglaydilar, yozib oladilar
II. Asosiy bosqich (55 daqiqa).	<p>2.1. Mavzu bo‘yicha ma’ruza va uning rejasi, asosiy tushunchalar bilan tanishtiradi.</p> <p>2.2. Ma’ruzani yorituvchi slaydlarni Power pointda namoyish va sharhlash bilan mavzu bo‘yicha asosiy nazariy bilimlarni bayon qiladi.</p> <p>2.3. Jalb qiluvchi savollar beradi; mavzuning har bir qismi bo‘yicha xulosalar qiladi; eng asosiy tushunchalarga e’tibor qaratadi.</p>	Tinglaydilar, Yozib boradilar. Savollarga javob beradilar
III. Yakuniy bosqich (15 daqiqa).	<p>3.1. Mavzuni umumlashtiradi, umumiylar qiladi, yakun yasaydi, savollarga javob beradi.</p> <p>3.2.Talabalarga mavzu bo‘yicha nazorat savollarini e’lon qiladi.</p> <p>3.3. Mustaqil ish uchun vazifa beradi: mavzuga oid yangi ma’lumotlarni topib, mustaqil o‘qib kelish.</p>	Diqqat qiladilar. Savol beradilar. Savollarga javob beradilar. Vazifani yozib oladilar.

## **Иккинчи жаҳон уруши даврида ирригация ишлари.**

Уруш даврида катта ирригацион обектларда қурилиш ишлари секинлашди ёки мутлақо тўхтади.

1942 йил Тошкент области дехқонлари Тошкент каналининг 2 - навбати қурилишини бошладилар. Мухандис ва техник вазифаларини ТИИИМСХ ва Гидромелиоратив техникумининг студентлари раҳбарлик қилди. Тошкент шахри ишчи ва хизматчилари эвакуациядан келган халқни озиқ - овқат билан таъминлаш учун янги ерлар ўзлаштириш керак бўлди бунинг учун Тошкент атрофига (30 км) Шимолий Тошкент ва Юқори шимолий каналларидан янги ерларни суғориш лойиҳалари тузилди. Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро областларида тезлаштирилган халқ усули билан каналлар қурила бошланди. Бу ишларга сув хўжалиги наркоми Р.А.Алимов раҳбарлик қилди. Кўп ишлар қўлда бажарилди. 1942 йили Хисор канали қурилиши давом этди. 1942 йил қиши ойида Каттақўрғон сув омбори сув билан тўлғазила бошланди. Косонсой сув омборининг қурилиши давом этди. Фарход ГЭС ишга туширилди. Улуғ Ватан уруши даврида Чирчик, Ангрен, Келес дарёлари хавзасида суғоришни ривожлантиришнинг комплекс схемаси тузилди.

Колхозчи, ишчи ва техник ходимларнинг қаҳрамонона меҳнати, давлат ёрдами кишлоқ хўжалигини, ирригацион юқори техник ҳолатда ушлаб туришга, фронт ва унинг орқасини зарур озиқ-овқат, хом-ашё билан таъминлашга имкон берди.

Уруш даврида ва ундан кейин Ўзбекистонда ирригацияси аҳволи Компартия Марказий Комитети ЎзССРда ирригацион қурилишга юқори баҳо берди ва «Пахтачиликни ривожлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда 6 йил ичида ғўза экинлари майдони 430 минг га етказиш кузда тутилди. 1941-1943 йилларда Шимолий Тошкент канали қурилди. У 15 минг га ерни суғоришга имкон берди. Фарход ГЭС қурила бошланди. 1944 йилда 10 та йирик ирригацион иншоотлар эксплуатацияга топширилди.



Уруш даврида Чирчик, Ангрен, Келес дарёлари бассейнида суғоришини ривожлантиришнинг янги комплекс схемаси тузилди. Бу даврда мавжуд ГТИ ҳолати юқори техник даражада саклаб турилди. Тўғри техник эксплуатация таъминланди, қишлоқ хўжалиги фронт ва фронт орқасини маҳсулот билан таъминлаб турди.

1944 йил 6 та ГЭС ишга топширилди, қўшимча 9 таси қурила бошланди. 1944-1945 йиллар Ўзбекистонда суғориладиган ерларни кенгайтириш ишлари ривожлана бошланди. Чунки уруш йиллари суғориладиган майдонлар ва экинларнинг ҳосилдорлиги жуда пасайиб кетган эди. Масалан: пахтанинг ҳосилдорлиги 1944 йил 11,3 ц/га бўлса, 1945 йил ундан ҳам пасайиб кетди.



## **Ўзбекистонда урушдан кейинги даврда ирригациянинг ривожланиши**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ хўжалиги тикланиши ва ривожланиши бошланди.

1946-1950 йилларга мўлжалланган 5 йиллик план қабул қилинди.

Бу даврларда Сўх дарёсида Сариқўргон сув тўплами ва Сўх ўнг қирғоқ МК, Фарход гидроузелидан Боёвут канали (48 минг га суғориш учун), Сирдарёда Охунбобоев канали (28 минг га суғориш учун) қурилди, Марказий Фарғонада 173 минг га ерни суғориш ишлари бошланди, Косонсойда Ўртатўқай сув омбори, Зарафшонда Каттақўргон сув омбори ҳажмларини ошириш ишлари давом эттирилди.

Бухорода Қуйимазор ва Тудакўл сув омбори қурилиши бошланди.

1945 йилда давлат томонидан Ўрта Осиёда бўш ерларни ўзлаштириш ҳисобига янги ерларни ўзлаштириш мелиорация ва ирригация ишларини ривожлантириш ва пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга бағишланган режа тасдиқланди.

Сув хўжалиги олдида **4-беш йиллик** (1946-50йил) асосида катта масалалар қўйилди, суғориш тизимларининг сув таъминотини яхшилаш, янги каналлар ва иншоотларни қуриш, 1946 йил урушдан олдинги даврдаги сув тармоқларини тиклаш ва бошқатдан қуриш. Урушдан олдин бошланган қурилишларни тамомлаш мақсадида халқ қурилишлари ривожланиб, анча объектлар ишга солинди.



4-чи беш йилликда катта меъёрда сув хўжалигида курилиш ишлари, янги ерларни ўзлаштириш, суғориш ва зах қочириш ишлари ўтказилди. Натижада 1950 йил 1946 йилга нисбатан пахта тайёрлаш микдори икки баробарга ва урушдан олдингига нисбатан 61 фоиз бўлди. Беш йилликда 7 миллион 94 минг тонна пахта тайёрланди.

1950-1952 йилларда «Средазгипроводхлопок» институтида Сирдарё бассейнида сув ресурсларини комплекс ишлатиш схемаси ишлаб чиқилди.

1954 йилда (9 феврал) «Ўзбекистонда 1954 – 1958 йилларда пахталикни ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унда 1958 йил 600 минг га дан суғориш, шундан 300 минг га да пахта етиштириш кўзда тутилди.



**5-беш йиллик** (1951-1955 йил) олдинги беш йиликларда ўтказилган кўп ҳажмдаги қурилиш ишлари ва суғориш ишларининг замонга лойик талабларини қаноатлантириш учун, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш ишларини имконини ошириш учун, майда суғориш шохобчаларини муваққат шахобчаларга ўзгартириш, ортиқча майда шахобчаларни йўқотиш, тут дарахларини ўтқазиш ва хоказо, катта суғориладиган майдонларни текислаш мақсадида давлат томонидан янги суғориш системасига ўтиш ҳакида қарор қабул қилди. Бу тизимга ўтишга Ўзбекистонда катта ҳажмда ишлар бажарилиши керак бўлиб қолди. (1,5 миллион га майдонда 560-570 миллион  $m^3$  тупроқ ишлари). МТСлар ер қазиш машиналари билан (14 минг дона) кўпайтирилди.



1956 йил **6 - чи беш йиллик** (1956-60 йил) режаси қабул қилинди «Пахта етиштириш ишларини ошириш мақсадида Ўзбекистон ва ҚҚМЖларнинг Мирзачўлда бўз ерларни суғориш» қарорига мувофиқ Ўзбекистон қисмида 200 минг га, Қозоғистонда 100 минг га суғориладиган ерларни ошириш кузда тутилди. Шу даврда Мирзачўлда суғориладиган ер майдони 226 минг га. ни ташкил қилган. 1958 йил 14.07 да қабул қилинган қарорда («Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон республикаларида Мирзачўлда суғориш ва ўзлаштириш ишларини кенгайтириш ва тезлатиш ҳақида») асосан республикалараро Мирзачўл бўз ерларини ўзлаштириш ва суғориш Бош бошқармасини (Главголодностстрой) ташкил топишини маъкул топди ва Мирзачўлда ўзлаштириладиган ер майдони 350 минг га га етказиладиган бўлди.

## Пахтачилик ривожланиш тарихи

Азалдан пахта фақат Осиё ва Африканинг иссиқ ва серсув жойларида, жумладан Ўзбекистон ҳудудида етиштирилган. Америка қитъаси кашф этилгач, европаликлар океан ортида ҳам пахта етиштира бошлайди.

Унумдор ерлар, қулдорликнинг авж олиши ва денгиз орқали бошқа мамлакатларга етказиб беришнинг қулиялиги туфайли XIX аср бошларига келиб АҚШда пахта етиштириш жуда оммалашади.

Европада «саноат инқилоби» бошланганда кўплаб соҳалар қатори тўқимачилик ҳам ривожланади. Натижада толага талаб ошади ва Америкадан Европага пахта олиб келиш кўпаяди.

1860-1865 йилларда АҚШда содир бўлган фуқаролар уруши туфайли Европага пахта келиши кескин қисқаради. Оқибатда, нафақат Европада, балки пахта хомашёсини кўхна қитъа орқали оладиган Россияда ҳам пахта толаси тақчиллиги бошланади.

Шундан сүнг Россия Ўрта Осиёни зabit этишга жиддий киришади ва асосий пахта этишириладиган Кўкон хонлиги эгалланади. Хонлик тугатилиб, унинг худуди Россия империясига қўшиб олинади.

Орадан бироз ўтиб Ўрта Осиёга Чор Россиясидан савдогарлар келиб, маҳаллий аҳолидан пахта толасини харид қилиб, Россияга жўната бошлайди.

Пахтага талаб ошган сайин маҳаллий деҳқонлар уни кўпроқ эка бошлашади. Бу орада Россиядан пахта тозаловчи илк дастгоҳлар олиб келинади.

Тарихдан маълумки, Чор Россияси Кўкон хонлигини босиб олиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини вассалга айлантирганда **мулк дахлизлигига аралашмайди**.

Шу сабабли, Ўрта Осиёда пахта этишириш мажбурлаш билан эмас, бозорда пахтага талаб органи туфайли кўпайиб бораверади. Шу тариқа пахта XIX аср охири, XX аср бошларида Ўрта Осиёда этишириладиган асосий экин мақомини олади.



Россияда Октябр тўнтариши, СССРнинг тузилиши, ундан кейин коллективлаштириш— бу давларда совет иттифоқи таркибига киритилган Ўрта Осиё республикаларида пахта етиштириш талабга қараб ошириб борилаверади.

Аммо иккинчи жаҳон урушидан сўнг вазият бироз ўзгариади. Энди СССРда дехқонлардан пахта етиштиришни кескин кўпайтириш талаб қилина бошланади. Бундан ташқари, 1950 йилда СССРда Пахтачилик вазирлиги тузилиб, Россия, Украина ҳамда Молдавия жанубида пахта етиштириб кўрилади.



## **Ўзини оқламаган ташаббус: СССРда Пахтачилик вазирлиги нега тузилган эди?**

1950 йилда СССРда Пахтачилик вазирлиги ташкил этилади ва Усмон Юсупов унга вазир этиб тайинланади. Вазирлик зиммасига Ўрта Осиёда пахта ҳосилини кўпайтириш билан бирга Россия, Украина ва Молдавияда ҳам «Оқ олтин» етиштириш вазифаси қўйилади. Сталин кўллагани учун бу ишга ҳеч ким эътиroz билдира олмайди. 1953 йил Сталин вафот этганидан 10 кун ўтиб умуман самара бермаган, аксинча пахтакорлар учун «бошоғриқ бўлган» вазирлик тугатилади.



## Усмон Юсупов



Усмон Юсупов  
Ўзбекистон  
Компартияси биринчи  
котиби (Ўзбекистон  
раҳбари) этиб 1937  
йилда 36 ёшида  
тайинланган.  
У озод  
лавозимидан  
қилингунча  
Ўзбекистонни 13 йил  
бошқарганди.

Усмон Юсупов СССР раҳбариятига Россия, Украина  
ва Молдавиянинг жанубий вилоятларида пахта  
етиштиришни йўлга қўйиш ҳақида таклиф билдиради.  
Аммо унгача Пахтачилик вазири сифатида Усмон  
Юсупов СССР вазирлар кенгашининг 1949 йил феврал  
ойида қабул қилинган «Колхоз ва совхозларда пахта  
етиштиришни кўпайтириш ҳақида»ги қарорига асосан  
юқорида номлари келтирилган учта республикада  
аллақачон пахта етиштиришни бошлиб юборган эди.



СССР Вазирлар Кенгаши бу таклифга ижобий қарайди ва 1952 йил 19 февралда РСФСР, Украина ССР ва Молдавия ССРнинг бир қатор вилоятларида пахта етиштириш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ставропол ўлкасида — 92 500 гектар,  
Краснодар ўлкасида — 172 500 гектар  
Грозний вилоятида — 36 600 гектар  
Доғистон АССРда — 28 500 гектар  
Шимолий Осетия АССРда — 5 000 гектар  
Кабардин АССРда — 8 000 гектар  
Ростов вилоятида — 85 000 гектар  
Крим вилоятида — 30 900 гектар  
Сталинград вилоятида — 25 000 гектар  
Астрахан вилоятида — 10.000 гектар (юқоридаги ҳудудлар РСФСР таркибида эди)  
Украина ССРда — 443 000 гектар  
Молдавия ССРда — 5 000 гектар ерда пахта етиштирилиши белгиланган эди.

## Пахтачиликда йўл қўйилган камчиликлар

«Кейин маълум бўлишича, бу масала ҳал этилаётганда жумҳуриятларнинг эътиrozлари ҳисобга олинмаган экан. Бу зоналар учун мос келадиган пахта навларининг йўклиги жойларда яхши шарт-шароит яратилмаганилиги ва моддий-техника таъминотидаги узилишилар мураккаб ҳолатни юзага келтирди. Илгари ғалла, картошка, қанд лавлаги ва бошқа экинлар экиб, мўл ҳосил етишитириб келинган майдонлар пахта билан банд қилингач, ҳатто энг оз миқдорда ҳам ҳосил ололмадилар. Натижада жамоа ва давлат хўжаликлари, МТСлар катта иқтисодий зарар кўришиди. Шундан кейин СССР Вазирлар Кенгаши йил якуни бўйича бу зоналарда пахта экишини тақиқлади.



## Nazorat savollar

1. Ikkinchi jahon urushi davrida irrigatsiya ishlari?
- 2.O‘zbekistonda urushdan keyingi davrda irrigatsiyaning rivojlanishi?
3. To‘rtinchi besh yillikda (1946-50 yil) irrigatsiya va melioratsiya sohasida amalga oshirilgan ishlar?
4. Beshinchi besh yillikda (1951-1955 yil) irrigatsiya va melioratsiya sohasida amalga oshirilgan ishlar?
- 5.Oltinchi besh yillikda (1956-60 yil) irrigatsiya va melioratsiya sohasida amalga oshirilgan ishlar?